


Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят  
ахборот-кутубхона маркази  
илмий услубият бўлими



## “Маънавий жасорат соҳиби”

*буюк шоир, давлат арбоби,  
Захириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур*

*(1483-1530)  
таваллудининг 535 йиллигига  
методик-библиографик қўлланма*

Фарғона 2018

Захириддин Мұхаммад Бобур каби мұмтоз  
инсонларни дүнёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди,  
муқаррар тарзда саодатга эришиади.  
Ислом Каримов.

Миллий истиқлол туфайли моддий ва маънавий қадриятлар ардоқланиб, маданий меросга янгича муносабат шаклланди. Бу муносабат миллат тарихига дахлдор бўлган улуғ аллома ва ижодкорлар меросини ўрганиш ва қайта нигоҳдан ўтказишга имконият яратилди. Бизнинг жамиятимида Навоийни англаш китобхоннинг шахсий юмушидан давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бобурдай жаҳоний шоҳ ва улуғ шоир меросини қадрлаш орқали биз ҳам миллий давлатчилигимиз тарихи, ҳам мұмтоз адабиётимиз намуналари, ҳам қатор илмий кашфиётлар моҳиятини тушунишга интилмоқдамиз. Ана шу маънавий эҳтиёжни қондириш мақсадида ижодкорлар бадиий асарлар яратмоқда, улар санъаткорларимиз томонидан оммавий саҳнага қўйилмоқда. Рассом, ҳайкалтарош ва бошқа санъат ва илм аҳли борки, Бобурнинг меросига муносиб равишида бу ўлмас ижод намуналарини тушуниш йўлларини қидирмоқда.

Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, аждодлари ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада эса тарихий асарлар бекиёс аҳамиятга эга. Истиқлол туфайли тарихимизни ҳаққоний ўрганиш имконига эга бўлдик. Кўплаб буюк бобокалонларимиз асарлари сингари Бобур ижодида ҳам ёшларимиз учун иборатомуз жиҳатлар кўп. Унинг Ватанни севиш, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат кўрсатиш хусусидаги фикрлари кишига юксак маънавий сабоқ беради. Ўзбек классик адабиётининг улкан намоёндаларидан бири, ўзбек адабий тили ва адабиётининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган истеъодли олим ва ўта зиёли инсон, машҳур давлат арбоби Захириддин Мұхаммад Бобур мураккаб ижтимоий-тарихий даврда яшаб ижод қиласган.

Ҳар бир ҳалқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адаб ва шоирлари бўлади. Инсониятнинг абадиятга мансуб ана шундай буюк фарзандлари сафида Захириддин Мұхаммад Бобур ҳам ўз ўрнига эга. Кишилик тарихида Бобурчалик шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари бекиёс кишилар жуда кам учрайди.

**Бобур — буюк подшоҳ, мұмтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фаҳих, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони** сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов улуғ бобомиз, шоҳ ва шоир Захириддин Мұхаммад Бобур ҳақида фикр билдирап экан, “Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва аҳлоқ тимсолидир”, - деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Бобур – буюк подшоҳ, мұмтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фаҳих, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби бўлган. У қиска умр кўрган бўлсада, сержило шеърларидан ташқари, жаҳонга машҳур “Бобурнома”, “Мубаййин”, “Ҳарб иши”, “Хатти Бобурий”, “Аруз рисоласи” каби асарлар яратиб, келажак авлодлар учун катта мерос қолдирди. Биргина “Бобурнома”да 30 яқин фан соҳалари бўйича аниқ илмий маълумотлар жамлангани фикримиз далилидир. Унда муаллифнинг ҳаёти, дунёқарashi, яшаш тарзи ҳам чиройли далил ва бўёқларда берилган. Шоҳ ва шоирнинг қузатувчанлиги, атрофдаги барча ўзгаришлар, табиатнинг нодир воқеалари, жумбоқ ва мўъжизаларини ўрганмагунга қадар изланавергани кишини ҳайратга солади. Эҳтимол, Бобурнинг ана шу ҳислати ва қараашлари “Бобурнома”га шухрат келтирган ва бу асар ҳозир ҳам олимлар дикқат-марказида бўлиб келмоқда.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг вазифаси китобхонлар дикқатини Захириддин Мұхаммад Бобур ижодига жалб қилиш, унинг ижодини тарғиб қилишдан иборат. Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра сухбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув, хотира кечаси, оғзаки журнал, китоб кўргазмалари, унинг асарлари ва у ҳақидаги асарларнинг шархлари сингари турли-туман шаклларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхона муассасаларида мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган адабиётшунослар, тарихчилар, филологлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини ҳам жалб қилиш лозим.

Ушбу методик-библиографик қўлланма буюк шоир, давлат арбоби, Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур (1483-1530) таваллудининг 535 йиллигига бағишиланган бўлиб, кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айrim шакллари кўриб чиқилган.



### Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти. (1483-1530)

Бобурнинг отаси — Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси — Қутлуғ Нигорхоним Мўғалистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арки ичида яшар эди. Ҳоким ёз ойлари Сирдарё бўйида, Ахсида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди.

Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. Бобур барча темурий шаҳзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигига ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қиласи, илм-фанга, шеъриятга қизиқа бошлайди. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур” (“Шер”) лақабини олади.

Бобур отаси йўлидан бориб, машҳур сўфий — Ҳожа Ахрорга ихлос қўяди ва унинг тариқати рухида вояга етади, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содик қолади. Кейинчалиқ, “Бобурнома” асарида Бобур Ҳожа Ахрор рухи бир неча бор уни муқаррар ҳалокатдан, хасталик ва чорасизликдан ҳалос этганини, энг оғир шароитларда раҳнамолик қилганлигини таъкидлайди. Отаси Ахсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июнь).

Мовароуннаҳр 15-аср охирида ўзаро низолашаётган темурий шаҳзодалар ёки мулкдор зодагонлар бошчилик қилиб турган, деярли мустақил бўлиб олган кўпдан-кўп вилоятларга парчаланиб кетган эди. Мовароуннаҳр тахти учун кураш авжга чиқсан, турли сиёсий фитналар ўюштирилмоқда эди. Бунинг устига Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдорга (Бобурга) буйсунишдан бош тортадилар.

Уларнинг айримлари Бобурнинг укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик даъвосини қиласи, яна бошқа бирлари Бобурга ракиб, бошқалари амаки, тогаларига қўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушади. Ўз амакиси ва тоғаси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзо билан Султон Маҳмудхон хуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2—3 йилида мавқенин мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширади.

Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда, Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Бу пайтда, қисқа муддат ичида Самарқанд тахтига учинчи ҳукмдор келган эди. Султон Аҳмад Мирзо вафоти (1494 йил июль) дан кейин тахтга ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандда давлатни 5—6 ойдан ортиқ идора этмади — қисқа муддатли касалликдан сўнг 43 ёшида вафот этди. Унинг ўрнига Бухорода ҳоким бўлган ўғли Бойсунғур ўтиради. 1495—96 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффакиятсиз юриш қиласи. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди, Бойсунғур Қундузга қочади. Шаҳар қамал туфайли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Ҳатто эккулик дон ҳам топиш мушкул эди. Бобур қўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келди. Навкарларидан айримлари Андижон ва Ахси томон қочиб кетадилар. Бунинг устига Андижонда қолган айrim bekлар Бобурдан юз ўтириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар.

Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айни замонда оғир хасталикни бошидан кечирган Бобур Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг,

уни тарк этишга қарор килади. Аммо Хўжандга етганда Андижон ҳам қўлдан кетиб, мухолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади. Бобурнинг Тошкент ҳокими, тоғаси Маҳмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уриниши натижа бермайди,

Бу муваффақиятсизлик Бобур қўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек, навкарлар (700—800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содиқ кишилар (200—300) билан қолган Бобур маълум муддат Хўжандда тургач, Тошкентга — Маҳмудхон хузурига келиб, Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач, Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Марғилонни қўлга киритади, ҳамда Андижонни эгаллаш тадбирларини қўради. Нихоят, 2 йилдан сўнг (1498 йил июнь) уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида “Хўжанд сувининг Аҳси тарафи вилоятларини...” қолдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннахрни истило қилишга киришади. У 1499 йил Жиззах ва Самарқанд орқали Қарши ва Шахрисабзгача босиб боради, катта ўлжа билан Даشت Қипчоққа қайтади. Орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннахрга қайтган Шайбонийхон Бухоро ва Қоракўлни эгаллайди (1499), Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади (1500). Бироқ, шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар хукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар.

Бобур 1500 йил кеч кузида ўз қўшини (240 киши) билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар химояси учун қолдирган 600 нафар аскари қириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичida Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор шаҳриларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озиқ-овқат заҳиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилади. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очлиқдан тинкаси қурийди, Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида ноиложлиқдан Самарқандни тарк этиб, Тошкентга, Маҳмудхон хузурига йўл олади.

Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борса-да, аммо мамлакатда хукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмайди.

1503 йил Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тормор қилинади. Бобур Самарқанд таҳти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. 1501—04 йилларда Бобур Фарғона мулкини қайтариб олиш учун Султон Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзоларга қарши олиб борган кураши муваффақиятсизлик билан тугайди. Темурийларнинг тўхтовсиз жанглари ва оғир солиқларидан толиқкан халқ Бобурни қўлламади ва у Мовароуннахрни тарк этишга (1504 йил июнь) мажбур бўлади.

Бобур 200—300 навкари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб Ғазни ва Кобулни эгаллайди. Бобур Кобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Кобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу хунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. “Боғи Шаҳрор”, “Боғи Жаҳонор”, “Ўртабоғ”, “Боғи вағо” ва “Боғи Бобур” каби оромгоҳлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари шу ерда туғилади. 1506 йил баҳорда вафот этган Қутлӯғ Нигорхоним Мирзо Улуғбек шу ерда бунёд эттирган “Боғи Наврӯзий”га дафн этилади.

Бобур Афғонистонда бир фотих сифатида эмас, балки шу юрт, эл ободонлиги ва равнақи учун жон куйдирган тадбирли хукмрон сифатида қизғин фаолият кўрсатди, унинг манфаатлари йўлида одилона ва оқилона иш тутди. Афғонистондаги амалий фаолиятига кўра, Бобур бутун Ҳурросон ва Мовароуннахрда кудратли давлат бошлиғи ва музaffer саркарда сифатида катта обрў орттира борди, минтакадаги сиёсий ҳаёт эътиборли ўринга кўтарилди. Шайбонийларнинг тобора кучайиб бораётган юришига қарши биргаликда чора кўриш масаласида Султон Ҳусайн

Бойқаро барча темурий ҳукмдорлар қаторида Бобурни ҳам маслаҳат йифинига махсус таклиф этиши ана шундай юксак нуфузни кўрсатувчи далилдир. Бобур шу таклиф бўйича Ҳиротга отланади. Ҳусайн Бойқаронинг тўсатдан вафот этишига (1506) қарамай, у Ҳиротга боради ва темурий ҳукмдорлар билан учрашиб музокаралар ўтказади. Темурий ҳукмдорларнинг бирлашиб Шайбонийхон қўшинларига тўсиқ қўйиш режалари амалга ошмайди ва тез орада бирин-кетин мағлубиятга учраб, салтанатни батамом қўлдан чиқарадилар.

1507 йил бошларида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо, бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна пойтахт Кобулга қайтади.

Бобур Мовароуннахр ва Хурросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини қузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутади. Шайбонийхон Хурросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шохи Исмоил Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда (1510) енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хурросон ва Мовароуннахрга қўшин киритиб шайбонийларга кетма-кет шикаст етказа бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 28 апрелда Кўли малик жангиде Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. 1512 йил кузида Бобур шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний лақабли лашкарбоши билан Балхда учрашиб, Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Ҳузар (Ғузор) қалъасини олади, сўнг Қаршига юриш қиласи, шаҳар узоқ муддатли қамалдан сўнг таслим бўлади, шаҳар ҳимоячилари қаттиқ жазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Фиждувон жангиде Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннахрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий ракиби, Дехли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик қўшинини 12 минглик аскари билан тор-мор қиласи, ҳамда Дехлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Ҳиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга ошириди, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, кирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштириди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму-хунар ва дехқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Отаси Умаршайх Мирзонинг фазилатлари — танти ва сахийлиги, саводхон ва билағонлиги, олийхиммат ва мардоғоворлиги ёшлигиданоқ Бобурга ўз таъсирини кўрсатган. Ундаги хушхуқлилик ва саховатпешалик, табиатан хушчақчақлик ва беғаразлик, дўстона сұхбатларни эъзозлаш каби яхши хислатлар, шубҳасиз, ота-боболаридан ўтган ва Бобур бу хислатларни ўзининг ўта мураккаб ҳаёти давомида янада бойитди, ўз навбатида, уларни наслларга мерос қилиб қолдириди. Инглиз тадқиқотчиси Уильям Эрскин Бобур ҳаётини кўп йиллар давомида ўрганиб ёзадики, инсоният фаолиятининг барча соҳасида: “Осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч қайсиси тенг келолмайди ва унинг ёнига қўйиш учун лойифини тополмаймиз”. Шунинг учун ҳам Ж.Неру уни “дилбар шахс” деб атайди. Бобурнинг аёлларга ҳурмати ва меҳрибонлиги ҳам кишини лол қолдиради. Бу туғишидан опаси Хонзода Бегимга (ўзидан беш ёш катта эди) кўрсатган иззат-ҳурмати, опанинг тақдирига ачинишлари, фавқулодда ғамхўрлиги бунинг яққол исботидир. Ёки катта онаси Эсон Давлатбекимга бўлган ҳурмати-чи? Мана, подшоҳ Бобурнинг онага ҳурмат юзасидан берган баҳоси: “Хотунлар орасида раъи ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлатбекимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди”.

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; “Ул фурсатларда бирор-иккирар байт айтур эдим”, деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг ilk ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплана бошлаши ҳам шу йилларга тўғри

келади. Жумладан, Биной, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги қизғин адабий ҳаётдан дарап беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангут жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизғин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Ўтмиш адабиёт ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган Бобур ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлди, хусусан ижод аҳлига, касбу хунар соҳибларига самимий эҳтиром кўргазиб ҳомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турди. Ижод ва санъат аҳлига бундай меҳрли муносабат асло бежиз бўлмаган. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур 18—19 ёшларида рубоий ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг “Топмадим” радифли ғазали ва “Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши” мисраси билан бошланувчи рубоийси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дил-дилдан қўмсашиб, унинг тупроғига талпиниш, ғариблиқ азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола, бадиий таҳлил этилади.

*Голеъ ийӯқки жонимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишиниким, айладим хатолиг бўлди,  
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қоролиг бўлди.*

Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутади. Унинг ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуқанинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс хусну-латофати, шарқона одобу-ахлоқи, нозу-карашмаси енгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади.

*Хазон япроги янглиг гул юзунг ҳажрида саргардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чеҳраи зардим.  
Сен эй гул, қўймадинг саркашилгининг сарвдек ҳаргиз,  
Аёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлвордим.*

Бобурнинг ўз шеърий асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқ тарихий маълумотлар маълум эмас. Аммо “Бобурнома”нинг 1518—19 йиллар воқеалари баёнига бағишлиланган фаслида Бобур девонини Кобулдан Самарқандга юборганилиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннахрда ҳам тарқалган.

Ҳиндистон юришлари даври (1521)да Бобур “Мубайин” асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишлиланган бу асарда Мовароуннахр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизикарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган “Мубайин”да, айни замонда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган. Шу йилларда Бобур Шарқ шеъриятининг асосий масалаларидан бири аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисоласини якунлайди. Бобур номини дунёга машҳур қилган шоҳ асари “Бобурнома” устидаги ижодий ишини 1518—19 йилларда бошлаган.

Бобурнинг юқорида келтирилган асарларидан ташқари, “Хатти Бобурий”, шунингдек мусиқа санъати ва ҳарб ишларига маҳсус бағишлиланган қатор рисолалари ҳам бўлган. Аммо кейинги икки асар матни ҳануз топилган эмас. “Хатти Бобурий”да муаллиф араб алифбосини таҳrir этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган.

Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши сүиқасд уюштирилди. Маҳв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар билан тил биритириб, унинг овқатига заҳар қўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва қўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳар ҳолда кейинги йилларда Бобур тез-тез касалга чалиниб туради. 1527 йил октябрда Бобур яна хасталикка учрагач, умрининг охирлаб қолганини хис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Хожа Ахрор Валийга ихлос билан унинг насрда битилган “Волидия” асарини шеърий таржима қиласди.

Бобурнинг моҳир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илҳом билан жуда қисқа муддатда якунланган. Бобурнинг ўз эътирофича, таржима тугаши ҳамоноқ батамом соғайиб кетган. Бу йилларда у “Бобурнома” фасллари устида ишлашни давом эттириди, янги-янги ғазал-рубойлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, “Ҳиндистонға келгали айтқон ашъорни” тартибга солиб, шунингдек, “Волидия” таржимасини, “Хатти Бобурий” билан битилган намуна ва қитъаларни Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, Ҳумоюн, Ҳожа Калон, Ҳиндол ва бошқага юборди. Ҳумоюн Мирзога аталган ижтимоий-ахлоқий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Бобур ижодий фаолиятининг ёрқин қирраларидан бири бўлди.

Бобур Мирзонинг шахсияти ва олийжаноб хислатларидан келиб чиқиб, Америкада ва Европада бундан бир неча асрлар олдин Рашибрук Уилямснинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори”, Ҳароят Ламбнинг “Бобур-йўлбарс”, Анна Флора Стилнинг “Тож кийган дарвиш” ва у ҳақдаги яратилган бошқа асарлар бутун дунёда тан олинган. Айниқса, кейинги китоб қизиқарли адабий-тарихий очерк услубида ёзилган. Буни китобнинг ички бўлимларига қўйилган “Водийдаги воқеалар”, “Самарқанддан қувилиш”, “Кобилдаги салтанат”, “Хиротда зиёфат”, “Бобур ва унинг эли”, “Ҳиндистон сари юриш”, “Панипат ва Канванд”, “Буюк мўғуллар империяси” каби сарлавҳалардан ҳам билиш мумкин. Х.Лэмб Бобурнинг адабий меросидаи илмий маълумот сифатида кенг фойдаланган, кўпроқ “Бобурнома”га мурожаат этиб, ундан талай парчалар таржимасини ҳам келтирган. Бундан ташкари, у Мирзо Бобур юрган йўлларни от ва тужда кезиб чиққан. Шу тарика, бу асар амалда Бобур ҳақидаги тарихий роман кўринишини олган эди. Ҳа, Бобур эътиқодда мустаҳкам, иймони бутун, шу билан бирга, химмати баланд комил инсон эди. У бобоси соҳибқирон Амир Темурга нисбат берса бўладиган улуғ киши, саховатли ва диёнатли подшоҳ эди. Бош фарзанди Ҳумоюн Мирзо бетоб бўлганида табиблар маслаҳатини ўзича талқин этиб, жонини фарзандига бағишлиди, унинг дардини ўзига олди, кўз ёши тўқиб Яратганга астойдил мурожаат қилди. Охи Аллоҳга етиб фарзанди тузалди, ўзи эса касалланди. Бу ҳақдаги ўзгаларга ибратли ҳикоя асрлар оша бизларга етиб келди. Шу давргача ислом шарҳида, подшоҳлар тарихида бунақа ҳодиса қузатилган эмас. Бу ҳам Бобурнинг накадар мустаҳкам эътиқодли, комил инсонлигидан нишонадир.

Бир неча муддат олдин подшоликни Ҳумоюнга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дағн этилди, кейинчалик (1539), васиятига мувофиқ хоки Кобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган “Боги Бобур”га қўйилди.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адаб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимиға ўз хиссасини қўшган олим сифатида ҳалқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллади.

Бобур Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз юритида ҳақиқий қадр-қиммат топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Андижон шаҳрида Бобур номида университет, театр, кутубхона, миллий боғ (“Боги Бобур”) бор. Бобур миллий боғи мажмуасида “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи, шоирнинг рамзий қабр-мақбараси бунёд этилган. Шаҳар марказида (муаллифи Равшан Миртоҷиев) ва Бобур боғидаги ёдгорлик мажмуида (муаллифи Қодиржон Салоҳиддинов) шоирга ҳайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги истироҳат боғига Бобур номи берилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. Шарқшунос олим Убайдулла Каримов бу медалнинг биринчи совриндори бўлди.

Андижонлик табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлик қиласиган Ҳалқаро Бобур жамғармаси (32.12.1993.) Бобур ижодини ўрганишда катта ишларни амалга оширди. Жамғарманинг илмий экспедицияси 10 дан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб автомобилда илмий сафарлар уюштириб, 200 минг км. дан ортиқ масофани босиб ўтди, Бобур ва бобурийлар қадамжолари, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўплаб, уларни илмий

истеъмолга киритди. Мазкур маълумотлар асосида 10 дан зиёд илмий, ҳужжатли, бадиий асарлар (З. Машрабов, С. Шокаримов: “Асрларни бўйлаган Бобур”; С. Жалилов: “Бобурнинг Фарғона давлати”, “Бобур ва Андижон”; Қамчибек Кенжа: “Ҳинд сорига”; Х. Султонов: “Бобурнинг тушлари”, “Бобурийнома”; Р. Шамсаддинов: “Бобурийлар изидан”, “Бобурийлар сулоласи”; Т. Низом: “Уч сўз”), 10 га яқин ҳужжатли, видеофильмлар (Ф. Расулов: “Бобур изидан”, “Муқаддас қадамжолар”; Т. Рўзиев: “Бобур саломи”, “Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция”; Т. Ҳамидов: “Ифтихор” ва х.к.) яратилди. Жамғарманинг Лоҳур (Покистон), Ҳайдаробод (Ҳиндистон), Абу Даби (Бирлашган Араб Амирликлари), Москва (РФ), Ўш (Қирғизистон), Тошкент, Наманган (Ўзбекистон) шахриларида бўлимлари мавжуд. 1998 йил Жамғарманинг бобуршунослик соҳасидаги халқаро мукофотлари илк марта Пиримқул Қодиров, Сабоҳат Азимжонова, Файбуллоҳ ас-Салом, Нематилла Отажонов, Ҳайриддин Султонов, Эйже Мано (Япония), Муҳаммадали Абдуқундузов, Мақсуд Юнусов, Шафиқа Ёрқин (Афғонистон), Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртоҷиев, Мажид Турсунов, Раҳмонжон Азимов, Муҳаммаджон Мирзаевга берилди.

### **Бобур — бадиий таржимон**

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Хожа Убайдуллоҳ Ахрор ва уларнинг фарзанду невараларига ҳурмат-эътибори катта бўлган. Хожа невараларидан икки киши Бобур хизматида бўлган. Айниқса, Хожа Калоннинг Бобур билан қадрдонлиги бир умрлик хизмати билан изоҳланади.

Бобур Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг форс тилида насрда ёзилган “Волидия” асарини шеърий усулда ўзбек тилига таржима қилган. Хожа Убайдуллоҳ бу асарни оталарининг тавсиялари билан ёзган:

*Отаси қилган учун таклифе,  
Қилди онинг отиға таълифе.*

Бобур ота сифатида бу асардаги ота тилидан фарзандга айтилган диний-тасаввуфий ўйтитларни ўз фарзандларига етказиш учун ушбу китобни назмда она тилига ўтирган.

Нега насрда эмас? Чунки назмни хотирада сақлаш имкони каттадир. Қолаверса, назмнинг ҳурмат ва эътибори насрга нисбатан жуда юқори ҳисобланган.

Таржимон таржимани бошлаш ва охирига етказиш сабабини “Вақоєт”да шундай баён этади(матн табдили): “Жума куни, ойнинг йигирма учинчисида баданимда иситма зоҳир бўлди. Шундай бўлдики, жума намозини масжидда қийналиб ўқидим. Эртасига пешин намозини эҳтиёт юзасидан китобхонада бироз муддатдан сўнг ўқидим. Индени, якшанба куни яна иситмам чиқди, озроқ титрадим. Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттинчисида ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг “Волидия” рисоласини назм қўлмоқ фикри қўнглимга келди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, қўнглимдан кечирдимки: агар бу манзума ҳазратга маъқул бўлса, худди “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси маъқул бўлиб, соҳиби фалаж касалидан халос бўлгани сингари, мен ҳам бу хасталикдан фориғ бўлсан, назмим қабул килинганига шу далил бўларди. Ушбу ният билан... рисолани назм этишга киришдим. Ўша кечанинг ўзида ўн уч байт ёздим. Худди атайин келишилгандек, ҳар куни ўн байтдан кам битилмас эди. Дарвоқеъ, бир кунгина бу иш қилинмади. Ўтган йили ва балки ҳар гал бу хасталикка чалинганимда, ақалли бир ой, қирқ кун оғрирдим. Тангри инояти билан, ҳазратнинг ҳимматидан, пайшанба куни, ойнинг йигирма тўққизинчисида бирозгина иситмаладим, кейин мутлақо тузалиб кетдим. Шанба куни, раби ул-аввал ойининг саккизинчисида рисола сўзларини шеърга солиш ниҳоясига етди...”.

“Волидия” рисоласи инсон ихтиёри ва фаолиятини Оллоҳ билан боғлаш, унигина зикр этиш, сўзи(“Куръон”)ни ёдлаш ва айтишни тавсия этувчи, инсоннинг ҳаётий фаолияти, еб-ичиш, майшатда ўртачаликка чорловчи панднома, насиҳатномадир. Шунинг учун ҳам гарчанд асар шеърга солинган бўлса-да, матнда асосий диққат шоирона сехрсозлик эмас, балки Хожа насиҳатларини китобхонга аниқ етказишга қаратилади.

Оллоҳ ҳамидидан:

*Тил аниңг ҳамидида қосирдур, бил,  
Бил, аниңг ҳамидида қосирдур тил.*

## Бобур — фидой ота

“Бобурнома” маълумотларидан биз Бобурни ўз укалари, опа-сингилларига ғамхўр, хола ва бўлаларининг, тоғаларининг, хуллас, барча уруғларининг қадрига етувчи андишали инсон сифатида таниймиз. Ҳар икки укасини ўзи билан Кобулга, сўнг Ҳиндистонга олиб кетди; уларни тарбиялади ва қадрлади. Поччаси Мирзоҳон Бобур тахтини олганда холаси туфайли, холаваччаларининг юзини қилиб, у ўлимга мустаҳиқ бўлса ҳам, кечирди.

Фарзанд тарбияси масаласида ҳам Бобур идрокли маърифатпарвар, талабчан устоз мақомидаги падардир.

Хумоюнга ёзган хатида унинг ёзувидаги нуқсонлар, услубидаги камчиликларни қайд этади; ҳукмдорга хос бўлмаган хилватпарастликни танқид қиласди; кўп билан ишлаш, беклар билан шуғулланиш, кенгашиш шартлигини уқтиради.

Ўзи ҳам оталик баҳтидан суур топади. Мақтовга хасис бўлган Бобур Ҳумоюннинг ахлоқ-одоби ва камолотига жуда юқори баҳо беради.

Ҳумоюн мирзо ота-онасини соғиниб ўз вилояти Бадахшонни ташлаб Оргага келади.

У отаси Бобурни шу даражада қўмсаганки, йирик вилоят ҳукмдорлигидан ота дийдорини устун қўйиб, пойтахтда қолиш майли борлигини одоб доирасида билдиради (матн табдили): “Муҳаммад Ҳумоюн, бир йили эдикি, Бадахшонда дийдорлардан айру тушиб эди. Сўнгра бизни соғиниб, Бадахшонни куёви Мирзо Сулаймонга топшириб, бир кунда Кобулга келди. Мирзо Комрон ҳам Қандаҳордан Кобулга келган экан. Ийдоҳда мулоқот қилиб, ҳайрон бўлиб, қайтиш сабабини сўрабди. Муҳаммад Ҳумоюн бизнинг иштиёқимизни айтиб, Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонга юбориб, бизнинг тарафга юраберибди. Бир неча кунда пойтахт Оргага етиб, ўша соатда, биз унинг онаси билан номини айтиб, сўзлашиб ўтириб эдик, етиб келди.

Кўнгуллар гул каби очилиб, кўзлар чироғдек ёриши. Муқаррар ҳар куни катта зиёфат эди. Бир-биримиз билан тўйиб-тўйиб сухбат қиласдик. Чиндан ҳам сухбатда мислсиз эди ва комил инсон ким, дер эдилар, шу эди.

... бизга шундай хабар еттиким, кошғарийлар келиб, Бадахшонни олдилар. Биз Хожа Халифага буюрдикки, Бадахшонга бориб, ўз мулоҳазасича бу масалани ҳал қилиб келсин. Бироз тушунмовчилик бўлдимикан, у қабул қиласди. Муҳаммад Ҳумоюнга айтдикки: “Сен борсанг қандай бўларкан?”. У жавоб бердик: “Фармонни бажармасликка иложим йўқ. Бироқ ўз ихтиёrim билан дийдорингиздан айрилгим келмайди”. Шунинг учун Мирзо Сулаймонни Бадахшонга жўнатдик”.

Кейинроқ Бобур Ҳумоюнни Санбал вилоятига ҳоким қилиб жўнатади. Олти ойча туради-ю, негадир, об-ҳавоси ёқмайдими, доим иситмалай бошлайди. Ота буйруғи билан Ҳумоюн мирзо пойтахтга келтирилиб, мумтоз табиблар қарамогида бўлади. Бироқ ҳадеганда тузалавермайди. Фарзандининг куйиб-ёниб ётишини ҳар куни кўравериб, Бобурнинг тоқати ток бўлади. Салтанатнинг улуғ кишиси Мир Абдулқосим Бобурга арз қиласдик, бундай дард дармони учун энг яхши нарсаларни садақа қилмоқ керак: токи Оллоҳ таоло сиҳат-саломатлик берсин. Вокеа давомини “Бобурнома”дан ўқийлик (матн табдили): “Менинг кўнглимга келдики, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендан бошқа яхшироқ нарсаси йўқ. Мен ўзим садақа бўлайин, Худо қабул қиласин. Хожа Халифа ва бошқа яқинлар дедиларки: Муҳаммад Ҳумоюн сиҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтирасиз? Мақсад: дунё матоидан яхшисини садақа қилмоқдир. Иброҳим билан бўлган урушда кўлга тушган олмосни сиз Муҳаммад Ҳумоюнга ҳадя этган эдингиз. Ўшани садақа қилмоқ керак.

Тилимга келдики, дунё моли унинг эвазига ярармиди?! Мен ўзимни унга фидо қиласман. Чунки унинг аҳволи жуда оғир. Мен ортиқ унинг куйиб-ўртанишларига тоқат қилолмайман. Ўша ҳолатда унинг хузурига кириб, уч маротаба бошидан айланиб-ўргилиб, дедимки: “Ҳар қанча дардинг бўлса мен кўтардим”.

Ўша заҳоти мен оғир бўлдим, у енгил бўлди. У сиҳат бўлиб ўрнидан турди. Мен ноҳуш бўлиб йиқилдим...”.

Бобур эртаси куни тахту тожни Ҳумоюн мирзога топширади ва кўп ўтмай вафот этади. “Бобурнома”да бадиий санъатлар — тасвирий ва ифодалилик воситалари намуналарини кўплаб кузатиш мумкин. Чунончи, юқоридаги ўғилнинг келиши туфайли ота-онанинг беҳад шодланганликлари талқинидаги матнда қўлланилган ташбиҳ (ўхшатиш) санъати ҳам

табиийлиги, ҳам латофати билан ўқувчини ром этади: “Кўнгуллар гул каби очилиб, кўзлар чироғдек ёришди”.

### **Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида**

“Захириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади”.

Ислом Каримов.

“Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва аҳлоқ тимсолидир”.

Ислом Каримов.

“...У турли фазилатлар билан безангандан мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижаот ва муруввати устун туради. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас”.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.  
“Тарихи Рашидий”дан.

“Бизнинг шоирларимиздан ўзини Ҳайёмга ўхшатишга тиришканлари кўп. Навоийнинг, Лутфийнинг, Умархоннинг, Фазлийнинг ва бошқаларнинг “Ҳайёмана” рубоийлари йўқ эмас, бор. Лекин буларнинг ҳеч бири рубоийда Ҳайёмга яқинлаша олмади. Ҳайёмга яқинлашишга муваффақ бўлган бирдан-бир шоир Бобур Мирзодир”.

Абдурауф Фитрат.

“Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди”.

Жавоҳарлаъл Неру.  
“Хиндистоннинг каашф этилиши” китобидан.

“Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигулиқдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб кўйилган”.

Эдуард Холден, инглиз тарихчisi.

“Саховати ва мардлиги, истеъоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга teng келадиган бирорта подшоҳ топилмайди”.

Уильям Эрскин, “Бобурнома”таржимони.

“Мирзо Бобурнинг Ҳиндистондаги қудрати унинг босиб олган ерлари билан эмас, у хинд ҳалқининг кўнглида уйғота олган ҳурмат-эҳтиром билан ўлчанади”.

Қамар Раис, хинд жамоат арбоби ва адабиётшунос олими.

Бобурнинг рубоийлари унинг шеърияти чўққисидир. Бобурдан олдинги ва кейинги шоирлар бу бобда унга ета олмаганлар. Умар Ҳайёмнинг рубоийлари каби унинг рубоийлари ҳам фалсафий фикрларга бой, шаклан мукаммал эди.

Ойбек.

Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта хисса қўшди. Унинг лирик мероси ҳажми унча катта бўлмаса-да мавзу доираси, шаклий такомили ва бадиий томондан ғоят гўзал ва мукаммаллиги билан ҳам ажралиб туради.

Сайдбек Хасан.

Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган, унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди.

Н.И.Веселовский.

Бобур Мирзонинг соф, содда, мардона, айни вақтда ғоят фусункор ижоди ҳам унинг хоксор ва барчага баробар юрагидан яққол бир нишонадир. Айтингчи, бизнинг беш аср наридаги ўтмишимизда яшаб ижод қилган шоиру адиларимиздан қайси бирининг асарларини бугун таржимасиз ёки ҳар турли “насрий баён”ларсиз тушуниш мумкин? Бу рўйхат жуда қисқа бўлиши ва унинг бошида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг номи туриши табиийдир.

Хайриддин Султон.

Захириддин Муҳаммад Бобур тийрак акл, қомусий билимга эга бўлиши билан бирга, одамларни ўзига жалб қила биладиган, ташкилотчи, мард, чидамли, виждонли инсон эди. У жангларда сафнинг олдида борса, қийин шароитларда ҳамма билан бирга бўлиб, бор мashaққатни баҳам кўрар эди.

Исматулла Абдуллаев.

“Бобур характерининг мислсиз белгиси унинг бошқа хукмдорларнига мос келмаслигидадир. Бу табиат Осиё тождорларига хос маҳобат... сунъийликдан фарқли ўлароқ табиийдир, самимий, ҳаётни севган инсоннинг табиатидир... Биз Осиё хукмдорлари орасида Бобур сингари истеъодли ва буюк кишиларни камдан-кам учратамиз. Заковатининг жўшқин фаолияти, хушчакчақлиги, бевафо тақдирнинг барча найрангларига карамай руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, истеъоди, фанга, санъатга муҳаббати, мазкур соҳалар билан муваффақиятли шуғулланиши каби жиҳатларни эътиборга олганда, осиёлик салтанат соҳиблари орасида Бобурга teng келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз”.

У.Эрскин, инглиз олими

### **Захириддин Муҳаммад Бобур ҳикматларидан намуналар**

“Шафқатсиз киши азобга лойикдир”.

“Яхши кишиларни Яратган яхши дўйстлар билан сийлайди”.

“Кўпчилик баходирлар қанчалар кучли бўлмасинлар, улар ҳаргиз ўз жахллари ва қўркувларидан устун кела олмайдилар”.

“Кўнглингни динларнинг муҳокама майдонига айлантирма. Адолат ўрнатишда инсонларнинг эътиқодига чукур хурматда бўл”.

### **Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида 14 факт**

Шоҳ ва саркарда, шоир ва файласуф Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз кетганда унинг сиёsat, адабиёт, иқтисод, жуғрофия бобида авлодларга қолдирган буюк маданий меросларини эслаш ўринли.

Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адаб ва шоирлари бўлади. Искандари Мақдуний, Суқрот, Арасту, Буқрот, Еврипид, Ҳомер кабиларни эслаганимизда, миллатларнинг буюк меъроси, маданияти қанчалар улуғворлиги ва нафосати намоён бўлади. Ҳеч Захириддин Муҳаммад Бобур эса нафақат ўзбек миллати, балки дунё тарихида ўчмас из қолдирган боболаримиздан бири. Шоҳ ва саркарда, шоир ва файласуф Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз кетганда унинг сиёsat, адабиёт, иқтисод, жуғрофия бобида авлодларга қолдирган буюк маданий меросларини эслаш ўринли, албатта. Улуғ бобомиз ҳақидаги 14 та фактга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

**1.Захириддин Муҳаммад Бобурнинг асл исми Захириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо бўлиб, Бобур унинг таҳаллусидир.**

**2.Бобурнинг отаси – Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси – Қутлуг Нигорхоним Мўғулистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.**

**3.Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган.**

- 4.**Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур” (“Шер”) лақабини олган.
- 5.**Отаси Ахсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиахд сифатида таҳтга ўтиради (1494 йил июн ойи).
- 6.**Бобурнинг “Бобурнома” – Мовароуннаҳр, Хурросон, Ҳиндистон, Эрон ҳалқларининг XV аср охири, XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иктисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, ҳалқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари – ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дағн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асадир. Шу боис “Бобурнома” тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмокда.
- 7.**Захириддин Муҳаммад Бобурнинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида роман ёзган “Бобурнома”нинг инглиз таржимони Уилям Эрскин Бобурни Осиё подшоҳларига қиёсан шундай баҳолайди: “Саховати ва мардлиги, истеъоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффакиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди”.
- 8.**1522 йилда ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган “Мубайин” номли асарида ўша замон солиқ тизимини, солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини, шариат бўйича кимдан қанча солиқ олиниши ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган.
- 9.**Бобурнинг аruz вазни ва қофия масалаларига бағишланган “Муфассал” номли асари ҳам бўлганлиги маълум, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.
- 10.**Бобур 1530 йил декабрь ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Қобулга олиб келиб дағн этдилар.
- 11.**Алишер Навоий ва Бобурнинг шахсий муносабатлари 1500 йиллар – Бобурнинг Самарқандни иккинчи маротаба қўлга киритганидан бошланган.
- 12.**1519-1525 йилларда Ҳиндистонга 5 марта юриш қилган. Уч асрдан ортиқ давом этган (1526-1858) бобурийлар салтанатига асос соглан.
- 13.**Шаҳар ва жой номларининг бундай фожеавий номланиши Ҳўжанд ва Конибодом ўртасидаги Ҳодарвеш чўлидаги бир воқеа билан яна бир карра далиллангани дикқатга сазовордир (матн табдили): “Ҳўжанд билан Кандибодом орасида бир дашт бор. Номи – Ҳодарвешdir. Ҳамиша бу даштда шамол эсади. Марғилон унинг шарқидадир, ҳамиша бундан шамол боради. Ҳўжанд ғарбидадир, доим ундан шамол келади. Қаттиқ шамоллари бор. Дерларки, бир неча дарвеш бу даштда қишида қаттиқ шамолга йўлиқиб, бир-бирларини тополмай, “Ҳо, дарвеш!”, “Ҳо, дарвеш！”, дея-дея ҳалок бўлибдилар. Ўшандан бери бу даштни Ҳодарвеш дерлар”.
- 14.**У 9 қиз ва 9 ўғилнинг отаси эди. Уларнинг 11 нафари болалигига ёқ вафот этган. Тирик қолган фарзандлари: Ўғиллари Ҳумоюн (1508 - 1556), Комрон (1509 - 1557), Аскарий (1512-1558), Ҳиндол (1518-1551). Қизлари, Гулрангбегим, Гулчехрабегим, Гулбаданбекимлар.

### **Ғазалхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Ғазалхонлик беллашувини мақсади Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал ва рубоийларига китобхонлар қизиқишиларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин китобхонлардан беш кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаври ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар. Сўнгра қуръа ташлаш йўли билан қатнашувчиларнинг рақамлари белгиланади. Ҳар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган ғазалининг номини билиши шарт.

Ғазалхонлик беллашуви ўтказиладиган жойда Бобур ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб-суратли күргазмасини ташкил этишни тавсия қиласиз.

**1-шарт.** Беллашув қатнашчилари Захириддин Мұхаммад Бобур ғазалларини ёддан, ифодали айтишлари керак.

Күйида беллашувда айтиладиган ғазаллардан намуналар көлтирамиз.

**1-рақамдаги қатнашувчи:** “...топмадим” радифли ғазали

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Күнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор күрмадим,  
Күнглум киби күнгулни гирифтөр топмадим.

Усрук күзига токи күнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй күнгул,  
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

**2- рақамдаги қатнашувчи:** “...сочинг” радифли ғазали

Күнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста күнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,  
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста күнгуллар,  
Күнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,  
Не айб, агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

**3- рақамли қатнашувчи:** “Тишинг дур, лабинг маржон...” ғазали

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,  
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.  
Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур,  
Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Тафоҳур кўзум, күнглум қилурлар магар бордур,  
Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.  
Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,  
Бордур магар, қилурлар күнглум, кўзум тафоҳур.

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг,  
Парийдек сени кўрдум эмассен маган инсон.  
Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек,  
Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.

#### **4- рақамли қатнашувчи: “Үлум уйқусиға...” ғазали**

Үлум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,  
Эрур жанг жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор  
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсада.

Замона ахли ичра, эй қўнгул, оё топилғайму,  
Сенингдек дард паймову менингдек дард паймуда.

Улусдин тинмадим умримда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,  
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

#### **5-рақамли қатнашувчи: “Керак...” радифли ғазали**

Ўзни , қўнгул, айш билан тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб гулбуниға сув бериб,  
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Тийра туур үзуд дамидин қўнгул,  
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимаға ғам эма,ғам кўп туур,  
Айш била ўзни унутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро,Бобур,қўнгул,  
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

**2-шарт.** Куйидаги мисралар Бобурнинг қайси ғазал ва рубоийларидан келтирилган ва уни давом  
эттиринг.

#### **1-рақамдаги қатнашувчи:**

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,  
Келсун агар юзумни эвурсам,бало манга.

Нетгайман ул рафиқ билаким,қилур басе,  
Мехру вафо рақибға, жабру жафо санга.

(жавоби:”...манга” радифли ғазали,

Бегона бўлса ақл мени тилбадин,не тонг,  
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин орта дурур заъф, эй табиб,  
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.)

#### **2- рақамдаги қатнашувчи:**

Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулук баҳтимни уйғотсан,  
Кечалар тори мўйидек белиға чирмасиб ётсан.

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,  
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсан.

(жавоби:”Не хуш бўлғайки...”ғазали,

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,  
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсан.

Ёруқ кундуз,қоронғу кечада анжум киби бўлгай,  
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул ўтини тутратсан.)

**3- рақамли қатнашувчи:** ушбу рубоийнинг давомини айтинг:

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,  
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла...

(жавоби: Бу хатни анинг учун битдим мунда,  
Кўрган Сойи хатимни, мени ёд айла.

**4- рақамли қатнашувчи:** ушбу рубоийнинг давомини айтинг:

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,  
Кўз оқида кошки савод этгаймен...  
(жавоби:Кифриклардан анга қалам рост қилиб,  
Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.)

**5- рақамли қатнашувчи:** ушбу рубоийнинг давомини айтинг:

Туз оҳ,Захириддин Муҳаммад Бобур,  
Юз оҳ, Захириддин Муҳаммад Бобур...

(жавоби:Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор  
Уз оҳ, Захириддин Муҳаммад Бобур.)

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда ғазал ва рубоийларнинг маъно –мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсадаликлар топшириш мумкин.

### **“Баҳсларда улгайган ижод” номли билимдонлар беллашуви Ўйин шарти**

Қатнашувчилар: олиб борувчи,5 кишидан иборат 2 ёки 3 та гурух, ҳакамлар ҳайъати, томошибинлар.

Ўйин “Уйга вазифа”, “Савол жавоблар”, “Эркин мавзу”дан ташкил топади. Гурухлар ўзларига ном топиб, сардорларини белгилашади.

Беллашувнинг “Уйга вазифа” шартида гурухларга Пиримқул Қодиров қаламига мансуб “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Она лочин видоси” тарихий романларидан фойдаланиб, сахна кўринишлари билан чиқиши тавсия этилади. Беллашув ўтказиладиган санагача гурухлар бу шартга тайёр бўлишлари зарур. Сахна кўриниши учун ажратилган вақт 15 дақиқа оралиғида чегараланади. Ҳакамлар ушбу шартни 10 баллгача баҳолашлари мумкин.

Беллашувнинг “Савол-жавоблар” шартида эса, гурухлар ўзаро саволлар билан баҳслашади. Гурухлар томонидан бериладиган саволлар Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижод йўлини ёритиб берувчи, унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган хиссасига оид

бўлиши мумкин. Бир гурух қолган гурухга савол билан мурожаат қиласи ва уларнинг жавоб вариантиларини эшитгандан сўнг, ўзларининг жавобларини айтишади. Ҳар бир гурух бештадан савол бериш ҳуқуқига эга. Гурухларга жавобларни бериш учун икки дақиқадан вақт ажратилади. Тўлиқ, батафсил ёритиб берилган жавоблар 8 баллгача баҳоланади.

**Беллашувнинг “Эркин мавзу” шартида** гурух сардорлари Бобурнинг ғазалларидан хоҳлаган бирини танлаб, унинг маъносини ёритиб бериш ва ёддан, ифодали айтиб бериш талаб қилинади. Гурух сардорлари томонидан берилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса, ҳайъат аъзолари кўшимча саволлар беришлари мумкин. Жавоблар 10 баллгача баҳоланади.

Беллашув ниҳоясида ҳакамлар ҳайъати балларни ҳисоблаб, ғолиб бўлган гурухни эълон қиласи ва беллашув ташкилотчилари томонидан тайёрланган совғаларни гурух аъзоларига топширадилар.

## **Билимдонлар беллашувининг “Савол-жавоблар” шартида фойдаланиш учун тахминий саволлар**

**1-савол:** З.М.Бобур қачон, қаерда, қандай оилада дунёга келган?

(**Жавоб:** 1483 йил 14февралда Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх мирзо оиласида дунёга келган)

**2-савол:** Адиб Пиримқул Қодировнинг Бобур ва бобурийлар сулоласига бағишлиб ёзилган асарларини айтинг.

(**Жавоб:** “Бобурнинг болалиги”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” асарлари)

**3-савол:** “Бобурнома” қандай асар?

(**Жавоб:** “Бобурнома” мемуар, тарихий-илмий асар)

**4-савол:** Заҳириддин Мухаммад Бобурга “Бобур” тахаллуси нимага асосланиб берилган ва у қандай маънони англатади?

(**Жавоб:** Ёш Бобур йўлбарс билан олишиб, уни енггани довюраклиги ва жасурлиги учун “Бобур” яъни, “шер” лақаби берилган)

**5-савол:** Бобур неча ёшдан бошлаб рубоий ва ғазаллар ёзган?

(**Жавоб:** 18-19 ёшидан бошлаб ғазал ва рубоийлар ёзган)

**6-савол:** Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму? Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму? мисралари билан бошланувчи ғазал муаллифи ким?

(**Жавоб:** З.М.Бобур)

**7-савол:** Асли “Бобурийлар сулоласи” Оврўпо тарихчилигига қандай ном билан аталган?

(**Жавоб:** “Буюк мўғуллар” номи билан аталган)

**8-савол:** Бобурийлар сулоласи томонидан Ҳиндистонда барпо этилган иншоотларни айтинг?

(**Жавоб:** Хумоюн мақбараси, Тожмаҳал, Баланд дарвоза, Олтин ибодатхона иншоотлари)

**9-савол:** З.М.Бобур онасининг исменин айтинг?

(**Жавоб:** Кутлуг Нигорхоним)

**10-савол:** З.М.Бобур фарзандларининг исмларини айтинг?

(**Жавоб:** З.М.Бобур 9 қиз ва 9 ўғилнинг отаси эди. Уларнинг 11 нафари болалигидаёқ вафот этган. Тирик қолган фарзандлари: Ўғиллари Хумоюн (1508 - 1556), Комрон (1509 - 1557), Аскарий (1512- 1558), Ҳиндол (1518-1551). Қизлари, Гулрангбегим, Гулчехрабегим, Гулбаданбегимлар.

### **“Шоҳ ва шоир” мавзусидаги адабий кечча сценарийси.**

Кечча ўтказиладиган зал байрамона руҳда безатилган. Тўрда Заҳириддин Мухаммад Бобур портрети , шунингдек, унинг шеърларидан, ривоятларидан парчалар ёзилган плакатлар осилган.

Сахнага икки бошловчи чиқиб келади.

#### **1- Бошловчи:**

Жонимдин ўзга ёри вофодор топмадим ,  
Кунглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.  
Жонимдек ўзга жонни дилофгор курмадим,  
Кўнглум киби кўнгулни гирифторм топмадим.

## **2- Бошловчи:**

Кўнгли тилаган муродига етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши,  
Бу икки иш мұяссар булмаса оламда,  
Бошини олиб бир сарига кетса киши.

## **1- Бошловчи:**

Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар, азиз ўқувчилар. Бугун биз шох ва шоир, давлат арбоби ҳамда буюк саркарда Заҳириддин Мұхаммад Бобур таваллудига 530 йил тўлганлиги муносабати билан ўтказилаётган ушбу байрам кечасига тўпландик.

## **2- Бошловчи**

Заҳириддин Мұхаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонида таваллуд топди. Саройда шаҳзодаларга хос муносиб таълим – тарбия олган Бобур отаси вафотидан сўнг 12 ёшида таҳтга ўтириди.

## **1- Бошловчи**

Бобур тож – таҳт учун бўлган урушлар туфайли Андижондан чиқиб кетиб, Ҳиндистонда буюк бобурийлар сулоласига асос солди. Ҳиндистонда қудратли салтанат ўрнатган, давлатнинг гуллаб- яшнашида катта хисса қўшган севимли шоиримиз 1530 йил Агра шаҳрида оламдан ўтди.

## **2- Бошловчи**

У ўз умри давомида “Бобурнома”, “Мубайин-ал –закот”(Закот баёни),”Хатти Бобури”, “Харб иши” каби кўплаб насрый ва шеърий асарлар яратди.

## **1- Бошловчи**

Ҳозир ўқувчиларимиз томонидан ёд олинган Бобур рубоийларидан тинглаймиз. (Саҳнага 5та ўқувчи зарчўпон, дўппиларда чиқадилар.)

## **1- ўқувчи**

Даврон мени ўткарди сару самондин,  
Айирди мени бир йўла хони мондин.  
Гах бошима тож, гах балойи таъна,  
Неларки бошимга келмади даврондин.

## **2- ўқувчи**

Хар ишда шитоб қилмагайсан,  
Бу демак муродга етмагайсан.

## **3- ўқувчи**

Биронниким бирорвдин кўнгил қолур,  
Киши юз сўз бирла кўнглин олур

## **4- ўқувчи**

Ёд этмас эмиш киши меҳнатда киши,  
Шод этмас эмиш кишини фурбатда киши.  
Кўнглим бу ғарифлиғта шод ўтмади хеч,  
Фурбатда севинмас эмиш албатта киши.

## **5- ўқувчи**

Неча нафинға бўлурсан тобе,  
Неча умрингни қилурсан зое.

## **Бошловчи:**

Энди тадбиirimizga ташриф буорган тарихчи олимимизга сўз берамиз.

## **Бошловчи: Раҳмат.**

Ҳозир, Санъат коллежи ўқувчилари томонидан тайёрлаб келинган қўшиқ ижро этилади.

## **1.Бошловчи:**

Бобур Ҳиндистонда шох бўлсада, бир умр Ватаним, унинг тупроғини бағрикенг одамларини соғиниб яшади.

## **2.Бошловчи:**

У ўзга юрт тожи таҳтидан Ватанининг бир сиқим тупроғини афзал деб билди. Шоир ғазалларида, рубоийларида армонга айланган Ватан соғинчини ҳис этамиз.  
(Мактаб ўқувчилари томонидан кичик саҳна кўриниши намойиш этилади.)

Майин мусиқа янграйди.

Бобур таҳтда ўтирибди. Атрофдаги уч-тўрт мулозимлари билан мамлакатдаги сиёсий аҳвол, солиқлар тўғрисида сухбатлашмоқда. Шунда соқчи келиб бир киши Бобурнинг ҳузурига кириш

учун изн сўраётганини айтади.

**Бобур:**-Рухсат, хузуримга олиб келингиз.(Нотаниш киши қўлида қовун билан кириб келади ва таъзим қиласди.)

**Киши:** Ассалому алайкум, хазратим. (Таъзим келтиради.) Мен савдогарман. Сизнинг хузурингизга келишимдан мақсад Андижондан келтирилган қовундан олиб келдим. Она юртимиздан олиб келинган бу неъматдан тотиб кўринг, хазратим. Зора соғинчингизга малҳам бўлса. (Бобур секин таҳтдан тушиб келиб титроқ қўллари билан қовунни олади. Уни узоқ хидлаб юз-кўзларига суртади ва ўта ғамгин холда гапиради.)

**Бобур:** Раҳмат, сизга. Ватанимнинг ҳуш бўйларини олиб келган бу қовунда Андижон шамоли-ю, мусафро ҳавосини, табаррук тупроғининг исини, беқиёс экинзорларининг гўзаллигини, болалигим ўтган гўзал водийлар манзараси, дилкаш халқимнинг нафасини, ота-онам меҳрини туйдим. Киндик қоним тўқилган Ватан –менинг бешигим, соғинчим ва туганмас армонларимдир.

Толе йүқки жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолик бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд зори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

**1- Бошловчи:** Буюк шоир Захириддин Мұхаммад Бобур шеърияти ўзининг нодир ва бадий қиммати билан ҳам адабиётимизда катта ўрин эгаллаган.

**2 – Бошловчи:** Ҳа, Бобур иймони бутин инсон бўлган, ана шу эътиқод, унинг ўз икрорига кўра, уни доимо турли бало-қазолардан муҳофаза қилган.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин кароси, жавхари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак  
Шаксиз, унинг кўзи, гавҳари ҳам биз.

**1– Бошловчи:** Мумтоз адабиётимиз, тарихий асарларимизни мутолаа қилишдан мақсадимиз ундаги зарра-зарра ганжиналарни бугунги ёшларимиз онгига етказиб, ҳаётда түгри, жамият учун манбаатлы йўлга киришларига кўмаклашишдир.

Хурматли меҳмонлар, азиз ўқувчилар бугунги кечамизни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўзлари билан якунласак.

Унда киши умрини мазмунли, баракали, ўзидан кейин дөг ва маломат қолдирмасдан яшashi, бу заминда яшашдан мақсад, одамларни эзгуликка етаклаш гарови бор. Унга амал қилиш ҳаммамизга насиб этсин:

**Борму эркин ҳеч нима оламда хижрондин ямон.  
Хар неким ондин ямонроқдур, будур ондин ямон .**

**Захириддин Мұхаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига багишлаб “Бобур – маърифатпарвар шоҳ, серқирра шоир” номли китоб-суратли кўргазмаси учун тахминий мавзулар.**

## **1. Юксак бадий маҳорат соҳиби.**

“Бобур биз учун том маңнодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва аҳлоқ тимсолидир”.

Ислом Каримов.

Бу бўлимда Бобурнинг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти, устозлари, қайси мамлакатларида яшаб ижод қилганлари ҳақидаги ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги нашрлар кўйилади.

## **2. Улуғ адаб ва аллома.**

“...У турли фазилатлар билан безангандан мақтоворли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди.

Ушбу барча фазилатларидан шижаот ва муруввати устун туради. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас”.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.  
“Тарихи Рашидий”дан.

Бу бўлимга Бобурнинг тарихий асарлари, ғазаллари, рубоийлари, уларнинг яратилиш тарихига оид вақтли матбуотда чоп этилган мақолалар акс эттирилади.

## **3. “Бобурнома” асрори ҳақида.**

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум.

Ҳар ким бу “Вақоев”ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

З.М.Бобур

Бу бўлимга Захириддин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик асари “Бобурнома” асари ҳақида ва унга бағишиланган мақолалар қўйилиши мумкин.

## **4. Бобур ўзбек адабиётида**

“Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта хисса қўшди. Унинг лирик мероси ҳажми унча катта бўлмаса-да мавзу доираси, шаклий такомили ва бадиий томондан ғоят гўзал ва мукаммаллиги билан ҳам ажралиб туради”.

Сайдбек Хасан

Бу бўлимга адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг Бобурга бағишилаб ёзган илмий мақолалари, қисса, бадиа, шеърлар ва бошқа асарлар қўйилади.

### **Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари:**

Бобурнома (академик нашр). - Тошкент, 1960.

Бобурнома, Тошкент.- 1989.

Бобурнома (табдил), Тошкент. - 2008.

Бабурнаме (2-издание, доработанное). - Ташкент, 1993.

Китобус салот, Тошкент. - 1993.

Китобуз закот, Тошкент. - 1993.

Китобул ҳаж, Тошкент. - 1993.

Девон, Тошкент.- 1994.

Махрами асрор топмадим.- Тошкент, 1995.

Мубаййин, Тошкент.- 2000.

Избранная лирика, Ташкент.- 1982.

Избранная лирика, Ташкент.- 2006.

### **Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида адабиётлар:**

Азимжонова С., Захириддин Муҳаммад Бобур. Мақолалар тўплами. - Тошкент, 1995.

Ахмедов Б., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв.

(Письменные памятники). - Ташкент, 1985.  
Вохидов Р., Биз билган ва билмаган Бобур.- Тошкент, 2000.  
Ёқубов X., Захириддин Муҳаммад Бобур. - Тошкент, 1949.  
Лутфулло Маҳмуд, Бобурни тушуниш баҳти.- Тошкент, 2009.  
Машрабов З., Шокаримов С., Асрларни бўйлаган Бобур. - Тошкент, 1997.  
Мирсайдуллаев М., Бобурнинг касаллик тарихи. - Тошкент, 2013.  
Нуритдинов М., Бобурийлар сулоласи, Тошкент. - 1994.  
Самойлович А., Собрание стихотворений императора Бабура. - Петроград, 1917.  
Сотимов F., Бобурийзодалар. - Тошкент, 2003  
Стеблева И. В., Семантика газелей Бабура. - Москва, 1982.  
Файзиев Т., Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлар. - Тошкент, 1996.  
Ҳасанов С., Бобурнинг Аруз рисоласи, Тошкент. - 1981.  
Ҳасанхожа Нисорий, Музаккири аҳбоб, Тошкент. - 1993.  
Ғайбуллоҳ Ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон, Жаҳонгашта “Бобурнома”. - Тошкент, 1996.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Бобур. Захириддин Муҳаммад. Бобурнома / Т.: Юлдузча нашриёти, 1990  
Бобур. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар:Раҳмонов В., Хотамов Н./ -Т.: Ўқитувчи нашриёти,1983  
Бобур. Захириддин Муҳаммад. Китобу-с-салот/.Масъул мухаррир А.Рустам/-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993  
Бобур. Захириддин Муҳаммад. Китоб-л-ҳам:/ Бобурнинг “Мубаййин” асарига кирган китоб.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993

Абдуллаев Н. Бобурнинг насл-насаби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.- 16 февраль №7  
Асабова Н. Соҳибевон-буюк саркарда // Ватанпарвар.-2017.-№6  
Вохидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур // Тошкент. Маънавият нашриёти, 2008  
Лутфулло Маҳмуд. Бобурни тушуниш баҳти // Тошкент.-2009  
Машрабов Ш. Бобур комил инсон эди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.- 16 февраль №7  
Нуралиева М. Буюк қалб эгаси // Маърифат.-2008.-13 февраль  
Ражабова Д. Шарқона одоб ва аҳлоқ тимсоли // Жамият.-2017.№6  
Хусанбоев О. Бобурнинг хуқуқий қарашлари //Хукуқ.-2008.-14 февраль  
Ҳидирова Бобурга эҳтиром // Махалла.-2008.-13 февраль  
Қудратуллаев Ҳ. Алломанинг дил изҳорлари // Халқ сўзи.-2008.-14 февраль  
Абдуғафуров А. Муҳаммаджонов А. Захириддин Муҳаммад Бобур // ziyo.uz сайти

Тузувчи: Л.Батирова.